

ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

халқаро илмий-амалий анжуман материаллари

ТЎПЛАМИ

2022 йил 15 апрель



Бухоро

<https://buxdu.uz>

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР
ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари**

ТЎПЛАМИ

Бухоро - 2022

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2022. - 234 бет

Бухоро давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2022 йил 15 апрел куни “Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади.

Масъул муҳаррир:

Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати:

Н.Б. Атабоев, О.М.Файзуллаев, М.Б. Аҳмедова, З.Р. Собирова, Л.Ж. Жалилова

Такризчилар:

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна – филология фанлари доктори,
профессор

Қаршибаева Улжан Давировна - филология фанлари доктори, профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпلامда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинуви таъминлашга хизмат қилади.

Jabborova Ruxsora Jobirovna. THE COMBINATION OF WAR AND LOVE IN THE NOVEL "A FAREWELL TO ARMS"	124
Назридинова Ситора Уткировна, М.Р.Киличева. О.ХЕНРИ ҲИКОЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЁЗУВ УСЛУБИ	126
Kholmurodova Osiyo Iskandarovna. A.QODIRIYNING "OTGAN KUNLAR VA MEHROBDAN CHAYON" ASARLARINING INGLIZCHA TARJIMA TURLARIDAGI FRAZEOLGIK BIRLIKLAR VA ULARNING MADANIY XUSUSIYATLARI.....	129
Raximova Nilufar G'iyosovna. "ALISA MO'JIZALAR MAMLAKATIDA" ERTAK MATNIDA ALLEGORIK TUSHUNCHALAR	131
Kamolova Feruza. THE ROLE OF SETTING IN ANGELA CARTER'S "NIGHTS AT THE CIRCUS"	133
Erkaeva Dilnoza Baxtiyorovna. FILM DISCOURSE IN THE CONTEMPORARY WORLD: SEMIOTICS AND ANALYSIS	135
Rakhimova Ug'uloy Akbarovna. JANE EYRE AND WIDE SARGASSO SEA'S TREATMENT OF FEMINISM AND ITS REFLECTION IN CHARACTER ANALYSIS.....	137
Raxmatova Shaxrizoda Baxtiyorovna. FEMINISTIK VA EKOFEMINISTIK G'OYALAR VA ULARNING YARATILISH TARIXI	141
 3 – ШЎББА. АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК, АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР, АДАБИЁТДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ.	
Ahmedova M.B. "MA'NAVIYAT" TUSHUNCHASINING Tahlil etilishi va TURLIHA TALQINLARI	144
Давронова Шохсанам Ғайбуллоевна. ИСАЖОН СУЛТОН ИЖОДИДА БАДИИЙ ОБРАЗ ТАБИАТИ ВА УСЛУБ МАСАЛАСИ ("ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ" ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)	146
Kasimova Ra'no Raxmatulloyevna, O'roqova Mexriniso O'ktamovna. ARTUR KONAN DOYLNING "YO'QOLGAN DUNYO" ASARIDA ILMIY-FANTASTIKA JANRI IFODASI	149
Адигзова О.Н. БАДИИЙ АСАРЛАРДА БИОГРАФИК МЕТОД АСОСИДА ИЖОДКОР ШАХСИЯТИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ	151
Амонова Зиёла Кодировна. ХОФИЗ ХОРАЗМИЙ ИЖОДИДА МАНСУР ХАЛЛОЖ ТИМСОЛИ	155
Mekhriniso Rajabovna Kilicheva. SELF-HELP GENRE: FACTORS AND GENDER READERSHIP	158
Qodirova Nasima Saidburxonovna, Abdullayeva Farangiz Azim qizi. JO'RA FOZIL HIKOYALARI POETIKASI XUSUSIDA	160
Hojiyeva Gulchehra Salimovna. SAN'ATGA OID LISONIY BIRLIKLAR TARJIMASIDA LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLAR	163
Bozorova Rufina Sharopovna. TARJIMA QILISHDA VA'ZI YONDASHUVLAR	166
М.Таирова. НЕКОТОРЫЕ ЛЕКСИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕЛОВОГО ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА	169
Сайфуллоев Бахшилло Нематуллоевич. ФРАНЦУЗ-ЎЗБЕК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ (АЛБЕР КАМЮНИНГ "ВАБО" АСАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)	171
Ходжиева Нигина. ЛЕКСИКА ФРУКТА В ЛИРИКЕ АЛИШЕРА НАВАН	174
Safarova Zarina G'iyosovna, Sayliyeva Gulrux Aynidinovna. THE GRAMMATICAL ANALYSIS OF METAPHOR AND SIMILE IN THE LITERATURE	176
Sabirova Sabina Olimovna. THE CLASSIFICATION OF COMPLEX SENTENCES IN FRENCH	178
Gulnoza Jumaeva Izatulloevna. THEORY OF LACUNA AND THE PROBLEMS OF TRANSLATION EQUIVALENCE.....	181

По сравнению с русским языком во французском более строгие правила обращения к адресату. Если адресат и адресант находятся в равном положении, то принято использовать обращение «Monsieur» или «Cher Monsieur», если они знают друг друга в течение какого-то времени. Следует избегать таких обращений, как «Mon cher Monsieur» и «Cher Monsieur Dubois».

К вышестоящему обращаются просто «Monsieur», но не «Cher Monsieur». Если пишет мужчина к женщине, то он обращается к ней «Madame», «Chère Madame». Никогда не употребляется «Chère madame Dupont», кроме как к ниже стоящим. Более простыми обычно являются обращения женщины к женщине: «Madame», «Chère Madame», «Ma chère Marie-Thérèse» (но никогда «Ma Chère madame Dupont»).

По мере того как устанавливаются более дружеские отношения, упрощается и стиль обращения. Причиной всех вышеперечисленных лексических особенностей является унификация официальных документов на современном этапе развития. Она рассматривается как выбор одного языкового варианта из нескольких возможных способов передачи одной и той же информации. С точки зрения лексикологии важнейшей стороной унификации текстов документов является использование языковых формул — устойчивых оборотов, словосочетаний, моделей предложений, отобранных в результате многолетней практики, терминов, принятых сокращений, условных обозначений, единиц измерения, предусмотренных государственными стандартами.

Литература

- [1] Ба Л. Деловая переписка на французском языке: Учеб. пособие. — М.: Астрель: АСТ, 2007.
- [2] Веселов П.В. Современное деловое письмо. — М.: Наука, 1990.
- [3] Голованова И.А., Петренко О.Е. Деловой французский? Это не так трудно! — М.: Просвещение, 1997.
- [4] Тапрова М.Х. Обучение французскому языку в школах, как второму иностранному языку. — Жиззах.: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2021.
- [5] Жиро Р. Французско-русский и русско-французский деловой словарь (Dictionnaire français-russe et russe-français de la langue des affaires). — Paris: Institut d'études slaves, 1994.
- [6] Паневчик В.В. Деловое письмо. — М., 1999.
- [7] Самохина Т.С. Эффективное деловое общение в контекстах разных культур и обстоятельств. Учебное пособие по профессиональной межкультурной коммуникации. — М.: Р. Валент, 2005.
- [8] Westheimer P.H., Nelson R.B. Savoir rédiger ses lettres. Une correspondance d'affaires efficace. Editions Eyrolles (France) pour la traduction française, 1991.
- [9] Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. — P. <http://T-Science.org>

ФРАНЦУЗ-ЎЗБЕК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА ТАРЖИМОН МАХОРАТИ (АЛБЕР КАМЮНИНГ “ВАБО” АСАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)

Сайфуллоев Бахшилло Нематуллоевич

БухДУ немис ва француз тиллари

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик даври француз-ўзбек адабий алоқалари ҳақида сўз боради. Унда А. Камю каламига мансуб “Вабо” романининг ўзбек тилидаги таржимаси таҳлил қилинади, хусусан таржимон маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: адабий алоқа, мутаржим, слядор, долонча, архаик сўзлар.

Жаҳон халқларининг бир-бирларидан ажратувчи ҳам, уларни бирлаштирувчи восита ҳам – тилдир. Ер юзида яшовчи барча халқлар, уларнинг вакиллари бир-бирлари билан асосан таржима орқали мулоқот қиладилар. Халқлар, миллатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-ижтимоий алоқалар кучайгани сайин таржима ҳам, таржимачилик ҳам кучайиб бораверади. Шу сабабдан “таржима санъатининг маданиятлараро мулоқотининг асосий воситаси деб ҳисоблаш мумкин”.

Бадний таржима жуда ҳам ўзига хос “қотишма”-синтезлаштириш қудратига эга. У китъалар, замонлар, халқлар, тиллар ва адабиётларни яқинлаштиради. Бадний таржима сабабли миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Адабий алоқалар ҳам шу ўринда ўз ривожини топмоқда, яъни чет эл адибларининг асарлари ўзбек тилига, ўзбек адибларининг асарлари хорижий тилларга тўғридан-тўғри таржима қилинмоқда. Шу нуқтан назардан француз-ўзбек адабий алоқалари ҳам кундан-кунга ривожланмоқда. Мустақиллигимиз йилларида француз-ўзбек адабий алоқалари янги босқичга кўтарилди. Илгари ҳам айрим кичик асарлар француз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган бўлсада, айнан мустақиллик йилларидан йирик жанрдаги асарлар таржимаси кучайди. Франциянинг ҳам мумтоз, ҳам замонавий адабиётининг турли жанрлардаги нодир намуналари она тилимизга таржима қилинди. Булар орасида фалсафий ва тарихий романлардан тортиб, кичик жанрлардаги асарлар – эртаклар, болалар адабиёти намуналари, хикоялар, эсселар ва илмий мақолалар бор. Бироқ восита тил орқали таржима қилиш ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунгача тажрибали мутаржимлар томонидан француз адабиётидан бир қанча асарлар рус тили орқали таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Шундай асарлар орасида XX аср нафақат француз адабиётига, балки жаҳон адабиёти хазинасига катта ҳисса қўшган адиб Альбер Камюнинг «Вабо» романи, «Бегона» қиссаси (таржимон Аҳмад Аъзам, «Ёзувчи» нашриёти, 1995) ҳамда «Исён ва санъат» («Исёнкор одам» китобидан) эссеси (Назар Эшонқул таржимаси) ҳам бор.

Альбер Камюнинг «Вабо» романи мохир таржимон Аҳмад Аъзам томонидан рус тилидан ўзбек тилига ўтирилган ва 1995 йил «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган. Мазкур мақолада ушбу роман таржимаси мисолида Аҳмад Аъзамнинг таржимонлик маҳоратини таҳлил қиламиз.

Альбер Камю (1913-1960) Жазоирда оддий деҳкон оиласида дунёга келиб, 1940 йил баҳорида Францияга келади. Шу йил июнида Франция немислар томонидан босиб олинган, адиб Жазоирга қайтади ва 1941 йил кузида яна Парижга келади. Камю француз Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қўшилиб, босқинчиларга қарши курашади. Айнан шу йиллари унда «Вабо» романини ёзиш фикри туғилиб, тайёргарлик бошлаб юборилади. Роман 1947 йил ёзиб тугатилади.

Адиб “қўнғир вабо” деб ном олган фашизминг ҳақиқий вабога киёслайди. Романда тилга олинган воқеалар ҳам гўё 40 – йилларда Жазоирнинг Оран шаҳрида бўлиб ўтади. Шаҳарда вабо эпидемияси бошланади. Шаҳар раҳбарларининг маъсулиятсизлиги, врачларнинг чаласаводлиги шунга олиб келади. Бу ҳақида асарнинг русча матнида қуйидагича ёзилган:

«Однако префектура и муниципалитет призадумались. Пока каждый врач сталкивался в своей практике с двумя-тремя случаями непонятного заболевания, никто и пальцем не шевельнул».

Аҳмад Аъзам мазкур ҳолатни қуйидагича таржима қиладди:

“Лекин волийлик билан муниципалитет ўйга тушиб қолди. Ҳар бир ҳаким ўз амалиётида икки-учтадан номаълум касаллик ҳолатига дуч келмагунча, ҳеч ким қўлини совуқ сувга урмади”.

Ўзбек мутаржимини рус тилидаги «и пальцем не шевельнул» фразеологик иборасининг “қўлини совуқ сувга урмади” деб жуда чиройли таржима қилган. Бунинг устига юқорида айтганимиз врачларнинг чаласаводлигининг матн ортидан англаб етган ва буни таъкидлаб

кўрсатиш учун атайлаб “доктор” ёки “шифокор” сўзларини эмас, балки “ҳаким” сўзини танлаган ва тўғри қилган.

Таржимон асар персонажлари портретларини таржимада қайта яратишда ҳам маълум ютуқларга эришган. Портрет қаҳрамон масаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асарнинг гоёвий-бадний хусусиятини белгиловчи компонентлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир ижодкор ўз қаҳрамонининг бадний портретини яратар экан, дунёқараш ва эстетик савиясидан келиб чиққан ҳолда унга маълум бир маъно юклайди. Бу маъно қаҳрамон характерини тўлдиришга, уни янада яққолроқ кўрсатишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам бадний таржимада қаҳрамон портретини қайта яратиш ҳар қандай таржимондан маҳорат ва маъсулиятни талаб қилади.

Русча матида доктор Ризга Тарру қуйидагича таъриф беради:

“На вид лет тридцати пяти. Рост средний. Широкоплечий. Лицо почти квадратное. Нос крупный, правильной формы. Рот четко обрисован, губы пухлые, почти всегда плотно сжаты. Ходит всегда без шляпы...” (стр. 135)

Аҳмад Аъзам таржимаси:

“ Кўринишиндан ўттиз бешларда. Ўрта бўй. Елкадор. Юзи қарийиб чорбурчак. Бурни гўштдор, тўғри бичимда. Оғзи аниқ чизгилли, лаблари дўрдок, донм қатъий қимтилган. Донм бошланг...” (105–бет).

Бу ерда ҳам ўзбек таржимонининг топқирлигига тан бермай иложимиз йўқ. Зеро у қўллаган сўз ва иборалар шундан далolat бериб турибди.

Солиштириш:

широкоплечий – елкадор, лицо почти квадратное – юзи қарийиб чорбурчак, нос крупный – бурни гўштдор, губы пухлые – лаблари дўрдок, ходит всегда без шляпы – донм бошланг. Таржимоннинг новаторлиги бу билан тўхтамайди. У русчаланиб кетган каватлардаги эиналар устидаги майдонни ўзбекча ажойиб “долонча” сўзи билан беради.

Русча мати: «Фактически и разговаривал я с ним всего раза два. Несколько дней назад я уронил на площадке коробку с мелками. Как раз вышел Коттар и помог мне их собрать» (стр.137).

Ўзбекча мати: “Аниқ айтсам у билан бор йўғи икки марта гаплашганман. Тўрт-беш кун олдин долончада бўр солинган қутини қўлимдан тушириб юбордим. Шу пайт Коттар чикиб қолди, йиғиштиришга ёрдам берди” (107-бет).

Айрим русча сўзлар ўзбекча таржимада халқ тилида, шева тилида бериладиким, бу матини янада жонли тушунарли чиқишга хизмат қилади. Пилорама – аррамошин (113–бет), грузовик – юкмошин, книжная полка – раф (106–бет) ва ҳхзлар шулар жумласидандир.

Бироқ, Европа тилларига ҳос сўзларни соф ўзбек тилида беришга интилган таржимонимиз баъзан уларни ўта арханк ёки кенг китобхонга нотаниш сўзлар билан бериб, айрим жумлаларда ноаниқликлар келтириб чиқаради. Масалан, доктор Ризнинг хотини касал, санаторияга кетиши керак. Бу ҳақидаги гап қуйидагича таржима қилинган:

“Хотини бир йилдан бери касал, эртага тоғдаги шифокияга кетиши керак” (88–бет) жумласини китобхон фақат фараз қилибгина тушиниши мумкин.

Худди шундай таржимон халқаро “полиция” сўзини ишлатишдан қочади. Натижада “полиция комиссари” “миршабия комиссари”га айланиб қолади (107–бет).

Бу сифат гализликларга қарамай А.Камюнинг “Вабо” романи ва “Бегона” повести Аҳмад Аъзам томонидан катта маҳорат билан таржима қилинган. Таржимон она тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланган, натижада китоб жовонларимиз жаҳон адабиётининг машҳур дурдоналари билан бойитилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Комиссаров, В.Н.Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 1999.– С.189.

2. Гайбуллоҳ ас-Салом “Таржима назарияси ва амалиёти”дан маърузалар матни чизгилари. Тошкент-2003, 14 бет.

3. Альбер Камю. Избранное. М., Правда, 1990, стр. 139. Бундан кейинги русча мисоллар шу нашрдан олинди, қавс ичида бети кўрсатилади.

4. Альбер Камю. Бегона. Қисса ва роман. Т., Ёзувчи, 1995, 109-бет. Бундан кейинги ўзбекча мисоллар шу нашрдан олинди, қавс ичида бети кўрсатилади.

ЛЕКСИКА ФРУКТА В ЛИРИКЕ АЛИШЕРА НАВАИ

Ходжиева Нигина

БухГУ преподаватель кафедры
узбекского языкознания

Очень редко в мировой литературе поэтов как благородный Навои, который так выразительно освещал сердечные переживания и смысла жизни человека в этом мире.

Навои искренно и горячо воспевал любовь, душевную теплоту, верность, чистоту и девичью стыдливость, а также естественную красоту. Это чувствуется в строках поэта с благородным сердцем. Вот, в продолжении около шести веков миллионы поклонники поэта восхищаются этими сердечными страстями любви.

Богатство типологии лирики Навои прослеживается в его стихах - загадках. Законное место этого жанра в классической литературе был оформлен в произведение поэта "Бадосул-васат". Но эти стихи не результат скуки, а настоящие полноценные литературные произведения. В этих стихах видно, что поэт хорошо знал предметов и явлений, социальных отношений общества. А по доказательству поэта их можно в точности изображать в форме стихов.

Например сравнение фрукта граната на сосуд с огнем, деление этого же граната на шесть, восемь частей и схожести их с алыми янтарями освещены блистательно. Через давление пальцами получает сок этого фрукта и это сок особенно полезен для желудка. Об написано в стихе поэта «Гранат».

*Ne majmardur to'la axgar, vale ul majmar andomi,
Erur san ilkidin gahe musaddas, gahmusamman ham.
Chiqar ravzandin axgar dudiyu, bu turfakim, oning –
O'tig'a dud yo'qtur, majmarig'a balki ravzan ham.
O'tu majmar dema – bor ul sadafkim – durlarin oning
Evurdi qong'a davroni mushabid, charxi purfan ham.
Agar bu navemas, bas ne uchun barmoq kuchi birla
Bo'shar jismi, oqarqoni, anga majruh bo'lub tan ham.
Nechakim tabi noridur va lekin medanorig'a –
Berur taskin – muning nafin topibmen voqean man ham.*

Слова и фразы «нор», «таъбинори», «меъданори» были два раза применены в последние две строки текста оригинала. Но во втором слове слова «нор» заменены со словом «тор». Через слово «меъданори» поэт интерпретируя формально сравнивает граната и поджелудочного железа. Не может быть лишнего разговора о тонком юморе этих слов и фраз в стихах поэта. Из этих примеров видно, что стихи – загадки поэта не имеют четких границы законов формирования как рубай, туюк и газели. Но они похожи на другие формы стиха как «китъа» и созвучны с ними. У них нет элементы «матлаа», разные основы – вази и поэтические мысли в стихосложениях - байтах.

Как и в других произведениях стихах Навои часто встречаются термины из узбекского, персидского, арабского языка связанные с названиями фруктов. Вместе с этим в результате смешения слов из двух языков появляются новые слова. Например:

Персики

Ochilur olu guli, o'rtada shaftolu guli,

Vahki, shaftolu gulidur yo'erur olu guli.

(BV. 702)